

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИКНИ САКЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ВА УРТА ТИББИЙ ТАЪЛИМ БУЙИЧА
УКУВ-УСЛУБ ИДОРАСИ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Вирус касалликлари

***(утқир респиратор вирусли инфекциялар, грипп, парагрипп, кизамиқ,
вирусли гепатит, қутириш)***

**(Рейтинг тизимида таълим олаётган тиббиёт институтлари
педиатрия, даволаш ва тиббий педагогика факультетлари
талабалари учун укув-услубий кулланма)**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИКНИ САКЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ВА УРТА ТИББИЙ ТАЪЛИМ БУЙИЧА
УКУВ-УСЛУБ ИДОРАСИ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

«Т А С Д И К Л А Й М А Н»

**Ўз.Р ССВ кадрлар ва
укув юртлари бош бош-**

кармаси

бошлиги доцент

Т.С. САИДОВ _____

« ____ » _____ 2006йил

Вирус касалликлари

***(уткир респиратор вирусли инфекциялар, грипп, парагрипп, кизамик,
вирусли гепатит, қутириш)***

**(Рейтинг тизимида таълим олаётган тиббиёт институтлари
педиатрия, даволаш ва тиббий педагогика факультетлари
талабалари учун укув-услубий кулланма)**

Ушбу уқув - услубий кулланма Андижон Давлат тиббиёт институтининг патологик анатомия кафедраси, суд тиббиёти ва патологик физиология курсида тайёрланган.

ТУЗУВЧИЛАР:

Маматалиев А.Р. т.ф.н. - Андижон Давлат тиббиёт институти патологик анатомия кафедраси, суд тиббиёти ва патологик физиология курсини доценти.

Маматалиева М.А. - Андижон Давлат тиббиёт институти патологик анатомия кафедраси, суд тиббиёти ва патологик физиология курсини ассистенти.

Мамажонов М.А. - Андижон Давлат тиббиёт институти патологик анатомия кафедраси, суд тиббиёти ва патологик физиология курсини ассистенти.

Ушбу уқув - услубий кулланма патологик анатомия фани бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг Мувофиқлаштириш кенгашида қуриб чиқилиб, тасдиқланган - 2002 йилда нашр этилган намунавий дастурлар (5720100-даволаш иши ва 5720200-педиатрия иши таълим йуналишлари) асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу уқув – услубий кулланма АДТИ патологик анатомия кафедраси, суд тиббиёти ва патологик физиология курсининг мудири, т.ф.д., профессор Чурикова А.С. таҳрири остида тайёрланган.

Такризчилар:

- 1.Исроилов Р.И. – т.ф.д., профессор, П-Тошкент Давлат тиббиёт институти патологик анатомия кафедрасининг мудири.
- 2.Косимов Я.К. - доцент, Андижон Давлат тиббиёт институти юкумли касалликлар кафедрасининг мудири

Курс кисми: *Хусусий патологик анатомия.*

Курс булими: *Юқумли касалликлар*

Машгулотни мавзуси: **Вирусли инфекциялар**

(уткир респиратор вирусли инфекциялар, грипп, паразгрипп, кизамик, вирусли гепатит, кутириш)

Машгулотни мақсади:

Талабалар - вирусли инфекция тушунчасини, грипп, кизамик, кутириш, вирусли гепатитни - этиологиясини, патогенезини, патоморфологиясини, оғирлашувлари ва тугалланиши, ушбу касалликдаги улим сабабларини тушунтиришни ва бошқа жараёнларидан морфологик характеристикасига асосланиб фарқлашни билишлари керак.

Машгулотни вазифалари:

Талабалар - грипп, кизамик, кутириш, вирусли гепатитни - этиологиясини, патогенезини, патоморфологиясини, оғирлашувлари ва тугалланиши, ушбу касалликдаги улим сабабларини тушунтиришни бажара олишларини ургатиш.

Тарбиявий мақсади: Булгуси шифокор касби учун зарур хусусиятлар: чидамлилиқ, беморларга эътиборлилиқ, деонтология элементларини, ватанпарварликни тарбиялаш.

Машгулотнинг бошқа фанлар билан боғланиши

Келиб чиқиши	Машгулот номи	Чиқиш
1.Биология кафедраси 2.Гистология кафедраси 3.Микробиология кафедраси 4.Нормал физиология кафедраси.	Вирусли инфекциялар <i>(уткир респиратор вирусли инфекциялар, грипп, паразгрипп, кизамик, вирусли гепатит, кутириш)</i>	Юқумли касалликлар кафедраси, даволаш ва педиатрия факультетларини клиник кафедралари (жаррохлик, терапевтик, акушер-гинекологик йуналишлардаги кафедралар) ва б.

Кириш.

Г Р И П П

Грипп – бу умумий интоксикация ва юқори ҳаво йулларини шикастланиши билан намоён булувчи вирус этиологияли уткир респиратор касалликдир.

Этиологияси. Грипп вируси РНК – сакловчи миксовируслар гуружига киради. У 3 хил антигенга эга:

- 1)нуклеокапсид
- 2)нейраминидаза
- 3)гемагглютинин.

Грипп вируси одамлар орасида ҳамма вақт циркуляция қилади, киш вақтида касалланиш сонини ортиши кузатилади.

Грипп вируси ҳаво - томчи йули билан тарқалади, инкубацион даври 2-4кун. Вирусни бирламчи адсорбцияси, кириши ва купайиши бронхиолаларни

эпителиал, капиллярларни эндотелиал хужайраларида булиб, бирламчи вирусемияга олиб боради. Упка ва бронхиолаларни эпителиал хужайраларида вирусни репродукцияси, уларни улими ва кузгатувчини ажралиб чиқиши билан бориб, кейинчалик у кекирдак ва бронхлар эпителийсига утириб қолади. Уткир бронхит ва трахеит касаллик бошланишини биринчи клиник белгиси ҳисобланади.

Грипп вируси бронхлар ва трахея эпителийсига цитопатик таъсир курсатиб, уни дистрофиясини, некрозини, десквамациясини келтириб чиқаради.

Бронхлар ва трахеяларни эпителиал ҳимоя қобити бутунлигини бузилиши 2 - вирусемия ривожланиши ва вирусни қайтар хусусиятларини намоён булишини белгилайди, булар вирусни: вазопаралитик таъсири, организм ҳимоя системасини пасайишидир (нейтрофилларни иммун системасини).

Патологик анатомияси: Гриппни:

- 1) енгил (амбулатор) шакли
- 2) урта оғирликдаги шакли
- 3) оғир шакллари фарқланади.

Гриппнинг **енгил** шакли юқори нафас йулларини шиллик қаватини шикастлаб, у жойда уткир катарал риноларинго – трахеобронхит ривожланиши билан характерланади. Гриппни енгил шакли енгил кечиб, 5-6 кундан сунг юқори нафас йуллари шиллик қаватини буткул тикланиши ва тузалиши билан яқунланади.

Гриппни **урта оғирликдаги** шаклида патологик жараёнга факатгина юқори нафас йулларини шиллик қаватигина берилмасдан, балким упкани майда бронхлари, бронхиолалари, шунингдек паренхимаси ҳам берилади. Кекирдак ва бронхларда сероз - геморраргик яллиғланиш ривожланади, баъзан шиллик қатламни учокли некрози (некротик трахеит) ривожланади. Тулақонлик ателектаз учоклари ва уткир эмфизема фонида «гриппоз пневмония» ҳосил бўлади, альвеолаларда сероз экссудат, альвеоляр макрофаглар, альвеоляр эпителийни десквамацияланган хужайралари, эритроцитлар, оз микдорда нейтрофиллар қуринади. Баъзан пневмония геморраргик характерда бўлади. Упкадаги яллиғланиш, некробиотик ва дескваматив жараёнлар регенерация билан биргаликда бўлади. Гриппни урта оғирликдаги шаклини кечиши бутунлай олиб қурилганда яхши тугалланади, бемор 3-4 ҳафтадан сунг тузалиб кетади.

Гриппни **оғир шаклини** 2 хил қурилиши бор:

- 1- кучли намоён бўлган умумий интоксикация билан боғлиқ бўлса,
- 2- инфекцияни қушилиши муносабати билан упкадаги асоратларга боғлиқ бўлади.

1-ҳолда вирусни цито- ва вазопатик таъсири асосий урин тутади. кекирдак ва бронхларда сероз-геморрагик ёки некротик яллиғланиш юз

беради. Грипп ута тез кечган холларда упкани токсик геморрагик шиши юзага келиши мумкин. Кон куйилиши упкадан ташкарида ҳам намоён булади.

Баъзан бундай беморлар касалликни 4-5 кунда хаёт учун муҳим аҳамиятга эга марказларга кон куйилишидан ёки нафас олиш етишмовчилигидан ҳалок булишади. Яллигланиш даражаси ва деструктив узгаришлар кекирдакдан упкага томон ортиб бориб, огир холларда хикилдок ва кекирдак шиллик каватида кенг учогли некроз ва яра ҳосил булиши билан бирга боровчи фибриноз - геморрагик яллигланиши ривожланади.

Бронхларда деструктив панбронхит ривожланиб уткир бронхоэктазлар, ателектаз учоглари ва уткир эмфиземаларни ҳосил булишига олиб келади. Абсцесс ҳосил булишига, некрозга, кон куйилишига лаёкатли бронхопневмония (ациноз, булак, булакларни кушилувидаги) характерлидир. Упкани ҳажми катталашган булиб, кесимда ола - була куринишда булади. («Катта ола-була гриппоз упка»).

Гриппда ***ички аъзоларда*** дистрофия, яллигланиш ва циркуляр бузилишлар биргаликда булади.

Огирлашувлар асосан упкада кузатилади: яъни улар экссудатни карнификацияси, облитерацияловчи бронхит ва бронхиолит, бронхлар деворини склерози, бронхоэктазлар, пневмофиброзлар, сурункали обструктив эмфиземалар, сурункали пневмониялар, упка-юрак етишмовчилиглари дир.

Гриппда ***улим*** интоксикациядан, хаёт учун муҳим аҳамиятга эга марказларга кон куйилишидан, упкадаги асоратлардан, юрак ва юрак - упка етишмовчилигидан булади.

КИЗАМИК

Этиологияси ва патогенези. Кизамик кузгатувчиси таркибида РНК тутувчи, миксовируслар гуруҳига кирадиган вирусдир, улчами 150 нм келади. Бу инфекция ҳаво-томчи йули билан юкади. Айни вақтда вирус юкори нафас йуллари ва куз конъюнктивасига тушади. Лекин вируснинг организмга тушадиган асосий йули, яъни кириш дарвозаси куз конъюнктиваси деб ҳисобланади. Вирус эпителийда дистрофик узгаришларга сабаб булади ва шиллик парда остидаги катламга утиб, шу ердан лимфа томирлари оркали регионар лимфа тугунларига етиб боради, шу тугунларда тупланиб купая бошлайди. Лимфатик тусикни енгиб утганидан кейин вирус кон окимига тушади ва бу ердан яна лимфоид тукимага боради. Натижада типик улкан хужайралар ҳосил булади. Кизамик вируси лейкоцитларнинг фагоцитар фаоллигини, хужайра ва гуморал иммунитетни пасайтириб, респиратор эпителийнинг тусиклик яъни барьер функциясини сусайтиради.

Патологии анатомияси. Конъюнктива, томоқ, трахея ва бронхларнинг шиллик пардаларида катарал яллигланиш бошланиб, оғир ҳолларда некроз ҳам руй беради. Ликилдоқнинг шишиши ва некрозга учраши, унинг мускуллари рефлексор йул билан тортишиб, спазмга учрашига ва асфиксия бошланишига олиб келиши мумкин. Шиллик пардалар эпителийсининг метаплазияга учраб, куп каватли ясси эпителийга айланади, энантема ва экзантема пайдо бўлади.

Энантема лунжлар шиллик пардасида оқиш доғлар куринишида пайдо бўлади. Улар пастки илдизли тишлар остида кузга ташланади ва диагностик жихатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Экзантема юз, буйин, гавда терисида ва кул-оёқларнинг ёзилувчи юзаларида пайдо бўладиган доғсимон йирик тошмадир. Микроскоп билан текшириб курилганида тошма элементлари шиш, гиперемия учокларидан, баъзан дерманинг сургичли каватида пайдо бўлган периваскуляр лимфогистиоцитар инфильтрацияли конталашлар куринишида кузатилади. Эпидермис хужайраларида шиш, некроз ва гиперкератоз учоклари бўлган вакуолланиш ходисалари топилади. Бу нарса натижасида эпителийнинг кепакка ухшаб кучиб тушишига олиб келади. Бодомча безлари, аппендикс ва лимфа тугунларида кизамик учун характерли бўлган куп ядроли улкан макрофаглар юзага келади.

Кизамикда шу касалликка алоқадор пролифератив панбронхит бошланиб, иккиламчи инфекция кушилган маҳалларда бронхлар деворида кейинчалик некрозлар пайдо бўлиши мумкин. Перибронхиал упка туқимаси ҳам жараёнга кушилиб кетган маҳалда «кизамикга хос упка» манзараси юзага келади.

Кизамик муносабати билан энцефалит ва сероз менингит ҳам бошланиши мумкин. **Клиник утиши** уч даврга бўлинади: катарал даври, тошма тошиш ва пигментация даври (3—4 кун). Катарал даври тана ҳароратининг 39°C гача кутарилиши, юкори нафас йуллари шиллик пардасида уткир катарал яллигланиш бошланиши билан таърифланади. Баъзан сохта круп (бугма) бошланиши мумкин (энантема ҳам шу даврда пайдо бўлади). 4—5 кунлари доғсимон-папулёз тошма пайдо бўлиши билан таърифланади. Бунда беморнинг юзи керкиб, бурни билан юкори лаби шишиб туради, кузлари кизариб, йиринглаб туради. Кейинчалик тошма ранги узгариб, қорая бошлайди, кейин жигарранг тусли бўлиб қолади.

Кизамик **асоратлари** жумласига ларингит, ларинготрахеит, пневмония, отит, юз юмшоқ туқималарининг намли гангрена (нома) киради.

КУТУРИШ

(гидрофобия - грек. hydro – сув, fobia – қурқиш сузларидан олинган) уткир вирусли юқумли касаллик бўлиб, инсонлар ва ҳайвонлар оғрийди.

Этио - патогенези. Кузгатувчиси кутуриш вирусидир (филтрловчи вирус). У – оғриган, оғрийган беморлар тишланганида юқади, нерв

томирларга ва мияга шикаст канча якин турса, у шунчалик хавфли хисобланади. Вирусни кириш дарвозаси теридаги жарохатдир. Вирус нейротроп булиб, нерв узакларини периневрал бушликлари оркали таркалиб, бош ва орка мияни нерв хужайраларига кириб боради, уларда купаяди. Инкубацион даври уртача 30-40 кун (12 кундан 1 йилгача булиши хам мумкин). Касалликни кечиш даври 5-7 кун. Касалликни кечишида

1) дастлабки боскич

2) кузгалиш боскич

3) фалажланиш боскичлари фаркланилади.

Дастлабки даврда – жарохат урнида кичишиш, шиш, отрик: уйкусини бузилиши, ёмон тушлар куриши, иштахасини бузилиши, субфебрил хароратни кутарилиши кузатилади.

Кузгалиш даврида – беморда ютинишни бузилиши, чанкаши, сув берилганда эса калтираши, сувдан куркиши булади. Корачиклари кенгаяди, кам харакатчан булади. Беморда аэрофобия, сулакни окиши, куриш ва эшитиш галюцинацияси булади. Агрессив узини олиб бориши, шиш, цианоз, пульсни кучайиши юз беради. Тез орада оёклари ва нафас мускулларини фалажланиши, асфикция юзага келади. Улим 5 – 6 кунларида юз беради.

Касалликни клиникаси МНС узгаришларига боғлиқ булади. Теридаги жарохат вақт утиши билан битиб, чандикланади, баъзан экссудатив яллигланиш ривожланади, периферик нервларда эса яллигланиш инфилтратлари ва мия пардаларини емирилиши топилади.

Патологик анатомияси. Макроскопик мия – бир оз шишган, тулакони, узунчок мияда майда кон қуйилишлар булади. Микроскопик характерли узгаришлар бош мияни узунчок кисми, III – коринча ва гиппокамп хужайраларида кузатилади. Вирус нерв хужайраларига кирганда уларда дистрофик узгаришлар – хроматолиз, хужайраларни коагуляцион ва колликвацион некрозига олиб боровчи дистрофияси юз беради. Улган хужайраларни атрофида микроглиал ва лимфоид хужайралар тупланиб, «кутириш гранулёмаси» хужайра инфилтратларини ҳосил қилади. Нерв хужайраларида Бабиш – Негри таначаларини учрайди, у юмалок ёки овал куринишда булиб, нерв хужайраларини ультраструктураларига вирусларни таъсири билан боғлиқдир, уларни цитоплазмасида оксил алмашинуви бузилади, оксиллар денатурацияланади.

Оғирлашувлари: (эмланганда, баъзан) менингоэнцефалит, Ландрини кутарилувчи фалажлиги, баъзи нервларни фалажланиши, рухий бузилишлар кузатилади.

Вирусли гепатит

Вирусли гепатит - вирусли касаллик булиб, жигар ва овқат хазм қилиш йулларини шикастланиш билан характерланади. Биринчи булиб, рус олими Ф. Боткин 1888 йилда касалликни - этиологияси ва патогенезига асосланган (инфекцион сариклик) илмий концепциясини илгари сурди.

Этиологияси ва эпидемиологияси. гепатитларни -вирусли гепатит А, вирусли гепатит В, вирусли гепатит С, вирусли гепатит Д, вирусли гепатит Е, вирусли гепатит G. (1995йил Дейл (амер.) - GBH, GBC, GBD аниқлаган), вирусли гепатит F, вирусли гепатит V вируслари келтириб чиқаради (жами 10та вирус).

Вирусли гепатит А: 1945 йилда ажратиб олинган, РНК-сакловчи вирус, фекал-орал йул орқали тарқалади, энтеровируслар гуружига киради. Мавсумийлик хос. Инкубацион даври 45 кунгача. Вирус ичакдан лимфа томирлари ва кон томирларига тарқайди, вирусемия юзага келади, вирус гепатоцитларга цитолитик таъсир курсатади, репликацияланади, асосан перипортал сохаларда яллиғланиш ва некробиотик жараёнлар ривожланади. Улим ҳолати 0,04%гача.

Вирусли гепатит В: (HBV) *Нераднаviridae* оиласига киради, мураккаб тузилган, Hbs Ag (австралия антигени) яхши урганилган. У суперкапсид билан боғлиқ бўлади. Касаллик оғир кечади, сурункали утади, циррозлар, карциномалар, улим ҳолатларига олиб боради. Антропоноз касаллик. Тарқалиш механизми гематоген, плацента орқали, она сути орқали, жинсий йул орқали, тиббий манипуляциялар орқали. Контагиозлиги юқори. Инкубацион даври 60-90 кун. 10% ҳолларда сурункали тус олади. 1% ҳолатларда ёмон сифатли кечади (кульминатив).

Вирусли гепатит С: *Flaviridae* оиласига киради, РНК вирус, кенг тарқалган, купрок кон қуйилганда тарқалади (50%)

Вирусли гепатит Е (HEV) вирусли гепатит А га ухшаш. Антропоноз вирус. Тарқалиш механизми фекаль-орал йул, асосан сув, баъзан контакт йул билан тарқайди. Инкубацион даври 20 - 60 кун. Инфекция уткир ва оғир кечади, улим ҳолатлари куп кузатилади (айниқса хомиладор аёлларда). Патогенези вирусларни гепатоцитларга цитопатик таъсири ва аутоиммун реакциялар билан боғлиқ бўлади.

Вирусли гепатит Д: HDV нуксонли вирусли заррача қуринишида, оксил билан уралган бир ипли РНК қуринишида бўлади. Вирусли гепатит Д вирусли гепатит В билан (Hbs Ag суперкапсиди ураб олган ҳолатда) таъсир курсатади. Вирусли гепатит Вларни 2%ни ташкил қилади, коинфекция ёки суперинфекция ҳисобланади, оғир кечади, сурункали қуриниш олади.

Ҳозирги вақтда касаллик **патогенезини** вирус- иммуногенетик назарияси қабул қилинган, у иммун жавобни узиға ҳослиги билан боғлиқдир. Регионар лимфа тугунларига вирусни 1-чи репродукциясида вирусемия бўлади, бунда вирус эритроцитларда олиб юрилади, бу унинг шикастланишига ва унга қарши анти - эритроцитар антителилар ҳосил бўлишига олиб боради. Вирусемия ва аутоиммунизация РЭС реакцияларини генерализациясини таъминлайди (лимфоаденопатия, талокни гиперплазияси, аллергия реакцияларни жойлашуви). Вирусни гепатотроплилиги уни жигарда жойлашуви ва энг олдин уни барьер системасидаги узғаришлар реакцияси

билан тушунтирилади (юлдузсимон ретикулоэндотелиоцитларда, портал трактни мезенхимал хужайраларида). Агар жигар барьер системасини реакцияси етарлича булса, унда гепатитни сариксиз шакли, камчилигида эса гепатоцитларни фокал некрози (иммунли цитолизи) ривожланиб, касалликни циклик сариклик шакли намоён булишини белгиларди.

Гепатитни ёмон сифатли шаклини асосида уткир жигар етишмовчилигига сабаб булувчи гепатоцитларни прогрессияловчи некрози ётади, вирусли гепатитда гепатоцитларни етарлича ва тулик репаратив регенерациясида бемор тулик тузалади, лекин у етарлича булмаса (субституция) репаратив регенерацияси - сурункали гепатитга, жигар циррозига олиб боради. Вирусли гепатитни прогрессиялашувида аутоиммун механизмлар катта роль уйнайди. Вирусли гепатит хомиладорлик даврида хам учраши мумкин, (хомиладаги вирусли гепатит). Баъзан у гепатоцитларни гигант хужайрали метаморфози курунишидаги узига хос морфологиясига эга булади

Классификацияси: вирусли гепатитни куйидаги клиник-морфологик шакллари фаркланади.

1. Циклик сариклик шакли.
2. Сариксиз шакли.
3. Ёмон сифатли(жигарни массив некрозли вирусли гепатит) шакли.
4. Сурункали шакли.
5. Холестатик ва холангиолитик (Е.М.Тареев, Е.И.Тер-Григоров) шакли.

Патологик анатомияси: Вирусли гепатитни циклик сарик шаклида жигар (лапороскопия маълумотлари буйича) - катталашган, каттик ва кизгиш, кобиги зуриккан («катта ола-була жигар») булади. Вакт утиши билан гиперемия ва шиш йуколади, жигар хамирсимон ва саргимтир - кизгиш тус олади, юзасида кичик чукурликлар пайдо булади. Микроскопик узгаришлар жигарни хамма элементларига тегишлидир (гепатоцитларга, ретикулоэндотелийларга, стромага, оз даражада ут йулларига), узгаришлар диффуз характерга эга булиб, маълум бир кетма-кетликда ривожланиб, касалликни сариклик олди ва сариклик даврини ёритади.

Сариклик олди даврида жигар тукумасини тулаконилиги ва шиши шикастланишига жавобан барьер юлдузсимон ретикулоэндотелиоцитларни прорлифератив реакцияси ва портал-трактни гисто-лимфоцитар инфильтрацияси булади. Гепатоцитлар оксил дистрофияга юз тутди. Электрон микроскопда текширилганда антиген вирусларига ухшаб оксилларини синтези кучаяди. Бу узгаришларда митохондрияни гипертрофияси ва шиши, эндоплазматик тур мембраналарини якунлашуви ва гиперплазияси, розеткасимон рибасомалар хосил булади.

Сариклик даврида асосан булакни периферик кисмидан гепатоцитларни баллон ва ацидофил дистрофияси, коагуляцион некрози ривожланади. Коагуляцион некрозга хужайрани бир кисми берилиши

мумкин. Гепатоцитни ёки бир гуруҳ гепатоцитларни некрозида гиалинсимон Каунсильмен таначалар ҳосил бўлиб, перисинусоидал бушликни трабекулаларида тупланади. Гепатоцитларни шикастланиши билан холестазни ривожланиши тушунтирилади. Гепатоцитларни коагуляцион некрози ва Каунсильмен таначаларини ҳосил бўлиши, уткир вирусли гепатитни классик белгиси ҳисобланади. Бунда гепатоцитларни цитоплазматик мембранасини шикастланиши ва синусоидлар бушлигига чиқиши характерлидир. Лимфоцитлар билан контактда бўлган жойлардаги гепатоцитларни мембранаси лизисланади, бу лимфоцитларни цитопатик эффекти намоён бўлиши сифатида курилади. Уткир вирусли гепатитда гепатоцитлар мембранасини муртлигини ортиши «ферментатив портлаш» билан тушунтирилади, кон зардобда цитолизни маркери бўлган аминотрансферазини активлиги ортади. Портал тракт ва синусоидларни гистиолимфоцит инфильтрацияси кучаяди. Гепатитларни учогли некрози юлдузсимон РЭСни макрофагал реакцияси ретикуляр стромасини склерози ва коллаген ҳосил бўлиши ривожланади. Гепатоцитларни регенерациясида жигар ҳужайраларини бўлиниши жуда эрта кузатилади.

Сариксиз шаклларида жигардаги узгаришлар циклик шаклини сариклик олди давридаги узгаришларига ухшаш бўлади. Вирусли гепатитни ёмон сифатли шакли жигарни массив некрози билан характерланади, бунда жигарни улчамлари тез кичиклашади, қобити бўжмайиб, туқимаси туқ сарик бўлиб қолади. Жигарни прогрессияланувчи некрозини микроскопик қуриниши жигарни токсик дистрофиясидан шу билан фаркланадики бунда дастлаб оксил дистрофияси устун туради.

ДАСТЛАБКИ ЖОРИЙ НАЗОРАТ

Аудиториядан ташқаридаги мустақил тайёргарлик учун назорат саволлари:

- 1.Вирусли гепатитни клиник-морфологик турлари.
- 2.Кизамикни патоморфологияси.
- 3.Гриппни патогенези, патологик анатомияси.
- 4.Гриппни асоратлари ва тугалланиши.
- 5.Кутиришни этиологияси ва патогенези.
- 6.Кутиришни асоратлари ва тугалланиши.

Доимий текшириш: мустақил тайёргарлик учун берилган саволлар асосида утказилади.

Дарснинг жихозлаш:

- 1.Микроскоплар – 6та.

2. Микропрепаратлар – 10та (2 хил).
3. Макропрепаратлар – 6та (3 хил).
4. Таблицалар – 10та.
5. Компютер презентацияси – 1та.
6. Талабалар учун укув-услугий кулланма
7. Слайдлар, диапозитивлар, атласлар ва диапроректорлар.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТНИ УТКАЗИШ ХРОНОЛОГИК ХАРИТАСИ

№	Машгулот тартиби	135 (мин.)	Гуружлардаги талабалар сони
1	Машгулотни таъкилий қисми	5	11-12 талаба
2	Талабаларни бошланғич (мустақил тайёргарлигини) билимини мавзу саволларига асосланиб текшириш: Ёзма: Оғзаки	15 30	-*-
Машгулотнинг амалий қисмининг таълили			
3	Машгулотнинг амалий қисмини (макро-микропрепаратларни, табица ва слайдларни, компютер презентацияларини) намойиш қилиш	30	-*-
4	Укув хонасида талабаларни мустақил ишлари (макропрепаратларни укув харита ва йуналтирувчи асос ёрдамида ва укув кулланмалари орқали урганиш, микропрепаратларни микроскоп ва атлас билан ишлаш, табицалардан фойдаланиш)	30	-*-
5	Материални узлаштириш даражасини баҳолашда ситуацион масаларини ечиш, «ёзувсиз» препаратларни сураш, услубий кулланмани текшириш, баҳолаш.	15	-*-
6	Машгулотни якунлаш	10	-*-

АМАЛИЙ МАШГУЛОТНИ УКУВ ХАРИТАСИ (Талабаларни мустақил аудитория иши учун).

1. Макропрепаратларни ўрганиш учун вазифа ва уни амалга ошириш боскичлари

Аъзонинг макроскопик тавсифи	Патологик учогни макроскопик тавсифи	Хулоса
1.Аъзо шакли ва улчами узгаришини. 2.Аъзо юзасини, кесилгандаги ранги ва суръатини характерлаш. 3.Ичи буш аъзоларни девори ва бушлиги улчамларини тузилиши, копловчи пардасини холатини белгилаш.	1.Патологик учогни жойлашувини, улчамларини (см.), тузилишини, рангини, чегарасини белгилаш. 2.Патологик жараённи ифодалаш. 3.Касалликда учрашини белгилаш. 4.Жараённи морфологик динамикасини ифодалаш. 5.Жараёнларни характерлайдиган микроскопик белгиларни ифодалаш.	1.Аникланган узгаришларга тегишли булган нозология хакида хулоса бериш.

МАКРОПРЕПАРАТЛАРНИ ЁЗИШ.

1.Жигарнинг токсик дистрофияси

2. Геморрагик пневмония

Намойиш килинадиган макропрепаратлар:

1.Жигарнинг токсик дистрофияси

II.МИКРОПРЕПАРАТЛАРНИ ЎРГАНИШДАГИ ХАРАКАТЛАРНИ ЁУНАЛТИРУВЧИ АСОСИ

Препаратни сиртдан куриш	Препаратни кичик катта-лаштириш ёрдамида куриш	Препаратни катталаштирилган холда урганиш	Препаратни чизиш	Расмни белгилаш	Хулоса
Куролланмаган кузга куринган тузилиш узгаришларни:	Тукимани кайси усул билан буялганлигини, кайси	Тузилишидаги морфологик узгаришлар тафсилотларини	Услубий кулланмага микропрепаратларни номини ёзиш, ушбу	Шу патологик жараённи характерловчи узгаришларни курсат	Аникланган узгаришларга тегишли булган нозо-

учоғлар, турли катламлар, ранги билан фаркланадиган жойларни, кейинчалик шу жойларни микроскопда куриш учун аниклаш.	тукимадан эканлигини тузилиш узгаришлари характерини аниклаш.	(ядро, цитоплазма, стромаларни) аниклаш.	патологик жараённи характерловчи тузилиш узгаришлари ни чизиш.	кич ёрдамида белгилаш	логия хакида хулоса бериш.
--	---	--	--	-----------------------	----------------------------

Микропрепаратларни урганиш ва чизиш:

1.Жигарнинг токсик дистрофияси (сарик дистрофия даври)

(гематоксилин-эозин усулида буялган)

1-халок булган гепатоцитларни урнидаги ёгли детрит

2-лейкоцитлар билан инфильтрланган ретикуляр строма

3-жигар булагининг периферик кисмидаги ёл дистрофияси ҳолатидаги гепатоцитлар.



2.Уткир вирусли гепатит

(гематоксилин-эозин усулида буялган).

1-гепатоцитларни гидропик дистрофияси ва некрози.

2-Каунсильмен таначалари.

3-перипортал соҳадаги гистиолимфоцитар инфильтрация.



Намойиш қилинадиган микропрепаратлар:

1.Жигарнинг портал циррози

Макропрепаратлар ва микропрепаратларнинг компьютер презентацияларида ва микроскопик урганишларда - «думалоқ стол» усулини куллаб, ҳар бир талабанинг жавоби тугри-нотугри эканлиги текширилиб билим даражаси баҳоланади, муаммони ҳал қилишда «босқичма-босқич» усулини куллаб, ушбу мавзудаги патология муаммолари аникланади, у: 1-босқичда муаммони аниклаш (патологик узгарган тукима ёки аъзонинг нормал қуринишини эслашга), 2-босқичда - маълумотни топиш (юзага келган патологияни аниклашга), 3-босқичда олинган маълумотларни

амалиётда–клиникада (турли патологик ҳолатларда ёки касалликларда) кулланилади.

III. Амалий машғулотда ечиш учун тестлар:

1.Вирусни ҳужайра ва тукимани шикастлаш хусусияти нима дейлади?

- * тропизм
- * вирулентлик
- * патогенлик
- * инвазивлик
- * фагоцитоз

2.Вируслар тропизми нимага боғлиқ?

- * ҳужайра ва вирус рецепторларининг ўзига ҳослиги
- * липопротеидлар билан
- * ҳужайрада модда алмашинувининг ўзгариши билан
- * ҳужайра некрози билан
- * вирус ферменти билан

3.Гриппда инфекция юқиш йулларини айтинг?

- * ҳаво-томчили
- * фекал-орал
- * контактли
- * лимфоген
- * гематоген

4.Грипп вирусининг тропизмини курсатинг?

- * ҳамма жавоблар тўғри
- * бронхиолалар эпителийси
- * конъюктива
- * альвеоляр эпителий
- * капиллярлар эндотелийси

5.Гриппнинг енгил туридаги юқори нафас йуллари шиллик қаватининг шикастланишини курсатинг?

- * катарал ларинготрахеобронхит
- * йирингли трахеит
- * сероз-геморрагик трахеит
- * шилимшиқ-йирингли бронхит
- * геморрагик ларингит

6.Гриппдаги эпителиал ҳужайралари дистрофия характерини курсатинг?

- * гидропик
- * мукоид бўқиш
- * хираланиб бўқиш
- * ёғли

- * шохли

7. Сохта круп асосида қандай узгаришлар ётади?

- * халқум мускуллариининг спазми
- * шиллик каватнинг гиперемияси
- * рефлектор бронхоспазм
- * пульмоно-коронар рефлекс
- * фибриноз-геморрагик трахеит

8. Кизамикда лунж шиллик каватида қандай узгаришлар пайдо булади?

- * энантема
- * петехиялар
- * экзантема
- * геморрагиялар
- * метаплазия

9. Кизамикда теридаги узгаришлар нима дейилади?

- * экзантема
- * энантема
- * папула
- * пустула
- * петехиялар

10. Асоратланган кизамик характерланади?

- * учокли пневмония борлиги билан
- * экзантема борлиги билан
- * энантема борлиги билан
- * уткир бронхит борлиги билан
- * катарал бронхит борлиги билан

11. Грипп вирусининг иммунодепрессив таъсири нима билан хавфли:

- * талок гиперплазияси билан
- * аъзолар дистрофик узгаришлари билан
- * иккиламчи инфекция қушилиши билан
- * аутоиммун узгаришлар билан
- * дисциркулятор бузилиш билан

12. Гриппнинг енгил шаклидаги юкори нафас йуллари шиллик каватининг шикастланишларини курсатинг:

- * йирингли трахеит
- * сероз-геморрагик трахеит
- * катарал ларинго-трахеобронхит
- * шилликли-йирингли бронхит
- * геморрагик ларингит

13. Гриппнинг оғир шаклидаги бронхларга хос узгаришларни курсатинг:

- * эндобронхит
- * мезобронхит

- * **деструктив панбронхит**
- * сурункали бронхит
- * полипоз бронхит

14. Кизамикда хикилдожнинг шикастланиши жисобига содир булиши мумкин булган улим сабаби?

- * **сохта круп, асфиксия**
- * упка шишиши
- * чин круп, асфиксия
- * уткир упка етишмовчилиги
- * уткир упка-юрак етишмовчилиги

15. Сохта круп асосида кандай узгаришлар ётади?

- * шиллик кават гиперемияси
- * рефлексор бронхоспазм
- * пульмо-коронар рефлюкс
- * **хикилдож мускулатурасининг спазми**
- * фиброз-геморрагик яллигланиш

16. Асоратланган кизамик характерланади:

- * экзантема булиши билан
- * энантема булиши билан
- * уткир бронхит булиши билан
- * катарал бронхит булиши билан
- * **учокли зотилжам булиши билан**

17. ОИТС-инфекцияда энг куп улим сабабини курсатинг:

- * бош мияга кон қуйилиш
- * уткир юрак етишмовчилиги
- * **оппортунистик инфекция**
- * уремия
- * лихорадка

18. Опортунистик инфекциянинг келиб чиқиш сабабларини айтинг:

- * лихорадка
- * вазни юкотиш
- * лимфоаденопатия
- * МНС шикастланиши
- * **иккиламчи иммунтанкислиги**

19. ОИТС оппортунистик инфекциядан ташқари яъна нима билан хавфли?

- * васкулит билан
- * паренхиматоз аъзолар дистрофияси билан
- * лимфоаденопатия билан
- * оралик яллиглагиш билан
- * **хавфли усмалар ривожланиши билан**

20.Макроорганизм жимоя реакцияларини айтинг

- 1.фагоцитоз
- 2.интерферон ишлаб чиқариш
- 3.хужайра иммун реакциялар
- 4.аутоиммунланиш
- 5.сенсibilланиш

*** 1;2;3; * 1;4;5 * 1;5; * 2;3;4; * 2;5;**

21.Гриппда умумий узгаришлар булади?

- 1.ринит
- 2.дисциркулятор бузилишлар
- 3.системали васкулит
- 4.паренхиматоз аъзолар дистрофияси
- 5.оралик яллигланиш

*** 2;4;5; * 1;3;4; * 1;5; * 1;3; * 3;5;**

22.Гриппнинг кечиш турини айтинг?

- 1.енгил
- 2.абортив
- 3.уртача оғир
- 4.рецидивловчи
- 5.оғир

*** 1;3;5; * 1;2;3; * 1;4; * 2;5; * 3;4;**

23.Кизамикдаги мажаллий узгаришларнинг микроскопик курунишини айтинг?

- 1.гиперемия
- 2.гиалиноз
- 3.дистрофия, некроз
- 4.антракоз
- 5.лимфогистиоцитар инфильтрация

*** 1;3;5; * 1;2;3; * 1;4; * 2;4; * 2;5**

24.Кизамикда бронх эпителийсига хос узгаришларни курсатинг?

- 1.десквамация
- 2.некроз
- 3.метаплазия
- 4.дисплазия
- 5.атрофия

*** 1;2;3; * 1;4;5; * 2;4; * 3;5; * 4;5;**

25.Кизамикда лимфоид тукиманинг узгаришларини айтинг?

- 1.хомила марказининг катталашиши
- 2.плазматизацияланиш
- 3.куп ядроли гигант хужайралар булиши
- 4.дисплазия
- 5.аплазия

* 1;2;3; * 1;4;5; * 2;4; * 2;5; * 3;4;

26.Кизамикнинг кечиш вариантларини санаб утинг?

- 1.рецидивловчи
- 2.кайталама
- 3.асоратланган
- 4.асоратланмаган
- 5.персистирловчи

* 3;4; * 1;2; * 1;3; * 1;5; * 2;5;

27.Кизамикдаги пневмониянинг хусусиятини айтинг?

- 1.интерстициал пневмония
- 2.лимфоид тукумасида куп ядроли гигант хужайралар булиши
- 3.экссудатда фибрин куп
- 4.пневмококк билан чакиртирилган
- 5.купинча бронхоэктазлар ва пневмосклероз ривожланиши билан

асоратланади

* 1;5; * 2;3; * 4;5; * 2;5; 3;5;

27. Организм билан вируснинг узаро таъсирланиш хусусиятларини курсатинг:

- 1.Вируснинг махсуслиги
- 2.организмнинг ареактивлиги
- 3.организмнинг гиперреактивлиги
- 4.вируснинг тукума махсуслиги

* 1 * 1, 2 * 1, 3 * 2, 4 * 1, 4

28.Макроорганизм хужайраларининг вирус билан шикастланиш механизмини курсатинг:

- 1.нормал оксилларнинг синтезининг бузилиши
- 2.вирус оксилларининг токсик таъсири
- 3.фагоцитоз реакцияларининг стимулланиши
- 4.аутоиммунланиш
- 5.хужайрада вирус кисмларининг йиғилиши натижасида бузилиши

* 1 * 1, 2 * 1, 2,5 * 1, 2,3,4 * 1, 2,4,5

29.Вирус билан организмнинг узаро таъсирланиш хусусиятларини курсатинг?

- 1.септик учог ҳосил булиши
- 2.аутоинфекция тартибида зарарланиш
- 3.вирусли инфекциянинг тарқалиши мумкинлиги /генерализацияланиш/
- 4.касаллик кечишининг цикликлари
- 5.касалликнинг сурункали тулкинсимон кечиши

* 1 * 1, 2 * 3, 4 * 3, 4,5 * 1, 2,3,4

30.Грипп патогенезининг асосий омилни айтинг:

- 1.иммунитетнинг стимулланиши
 - 2.бронхиолалар ва альвеолар эпителийсининг шикастланиши
 - 3.вазопатик таъсир
 - 4.организм жимоя системаларининг функциясининг сусайиши
 - 5.паренхиматоз аъзоларнинг дистрофияси
- * 1, 2 * 2, 3 * **2, 3,4** * 2, 3,5 * 1, 4,5

31.Гриппда эпителий шикастланишининг куриниши қанақа?

- 1.шиш
 - 2.дистрофия
 - 3.гиперплазия
 - 4.некроз
 - 5.десквамация
- * 1, 2 * 1, 2,3 * 1, 2,4 * **2, 4,5** * 3, 4,5

32.Грипп вирусининг вазопатик таъсирининг куринишини курсатинг:

- 1.тулаконлик
 - 2.фибриноидли некроз
 - 3.стазлар
 - 4.плазморрагия
 - 5.геморрагия
- * 1, 2 * 1, 3 * 1, 2,3,4 * **1, 3,4,5** * 1, 2,4,5

33. Организм жимоя системаларининг функциялари сусайиши нима билан ифодаланади?

- 1.нейтрофиллар фагоцитозининг камайиши билан
 - 2.макрофаглар хемотаксисининг камайиши билан
 - 3 макрофаглар фагоцитозининг активланиши билан
 - 4.аутоиммунланиш ривожланиши билан
 - 5.токсик иммун комплекслар пайдо булиши билан
- * 1, 2 * 1, 3 * 1, 2,3,4 * 1, 3,4,5 * **1, 2,4,5**

34.Гриппдаги маҳаллий узгаришларни курсатинг:

- 1.ринит
 - 2.фарингит
 - 3.трахеит
 - 4.бронхит
 - 5.юракдаги оралик яллиғланиш
- * 1, 2 * 1, 3 * **1, 2,3,4** * 1, 3,4,5 * 1, 2,4,5

35.Гриппдаги умумий узгаришларни курсатинг:

- 1.ринит
- 2.дисциркулятор бузилишлар
- 3.системали васкулит
- 4.паренхиматоз аъзоларнинг дистрофияси
- 5.оралик яллиғланиш

* 1, 2,3 * 2, 4,5 * 1, 3,5 * 2, 3,5 * 1, 3,4

35. Гриппнинг кечиш шакллари санаб утинг:

- 1.енгил
- 2.абортив
- 3.урта огир
- 4.рецидивланган
- 5.огир

* 1, 2,3 * 2, 4,5 * 1, 3,5 * 2, 3,5 * 1, 3,4

37.Гриппнинг енгил шаклидаги юкори нафас йуллари шиллик каватидаги узгаришларнинг микроскопик характеристикасини беринг:

- 1.камконлик
- 2.лимфоид-хужайрали инфильтрация
- 3.эпителий хужайраларининг дистрофияси ва кучиб тушиши
- 4.эпителиал хужайралар цитоплазмасида фуксинофил киритмалар
- 5.шиллик кават безларининг гиперсекрецияси

* 1, 2 * 2, 3,4 * 2, 3,4,5 * 1, 2,3 * 1, 2,3,4

38.Урта огирлик билан кечадиган гриппнинг характеристикасини беринг:

- 1.сероз-геморрагик трахеит
- 2.сероз-геморрагик бронхит
- 3.некротик трахеит
- 4.сурункали бронхит
- 5.катарал трахеит

* 1, 2,3 * 4, 5 * 1, 2,4 * 1, 2,5 * 3, 4,5

39.Гриппнинг огир шаклининг турларини курсатинг:

- 1.кайтмас
- 2.умумий интоксикация билан асосланган
- 3.вазопатик
- 4.цитопатик
- 5.упкали асоратлар билан

* 1, 2 * 2, 3 * 3, 4 * 4, 5 * 2, 5

40.Умумий интоксикация билан кечадиган гриппнинг булиши мумкин булган улим сабабларини айтинг:

- 1.асфиксия
- 2.упканинг токсик-геморрагик шиши
- 3.бош миянинг хаётга ахамиятли марказларига кон куйилиши
- 4.буйрак етишмовчилиги
- 5.уремия

* 1, 2 * 2, 3 * 3, 4 * 4, 5 * 2, 5

41.Гриппнинг упка асоратлари билан огир шакли нима билан асосланган:

1. иккиламчи инфекция қушилиши билан
 2. учокли пневмония ривожланиши билан
 3. крупоз пневмония ривожланиши билан
 4. катарал экссудат билан
 5. бош миёга қуйилиш билан
- * 1, 2 * 2, 3 * 3, 4 * 4, 5 * 2, 5

42. Гриппнинг оғир шаклидаги ҳалқум ва трахеяга хос ўзгаришларни айтинг:

1. катарал яллиғланиш
 2. сероз яллиғланиш
 3. учокли яллиғланиш
 4. фибриноз-геморрагик яллиғланиш
 5. шиллик қаватнинг некрозлари
- * 1, 2 * 2, 3 * 3, 4 * 4, 5 * 2, 5

43. Гриппнинг оғир шаклида бош миёдаги ўзгаришларни айтинг:

1. сероз менингит
 2. уткир букиш
 3. гидроцефалия
 4. қон қуйилишлар
 5. нейронларнинг дистрофик ўзгаришлари
- * 1 * 1, 2 * 1, 2, 3 * 1, 2, 3, 4 * 1, 2, 4, 5

44. Қизамиқда бронхлар эпителийсига хос характерли ўзгаришлар:

1. десквамация
 2. некроз
 3. метаплазия
 4. дисплазия
 5. атрофия
- * 1 * 1, 2 * 1, 2, 3 * 1, 2, 3, 4 * 1, 2, 3, 5

45. Қизамиқ экзантемасида эпидермисдаги ўзгаришлар:

1. вакуолизация
 2. гиперемия
 3. некроз
 4. паракератоз
 5. гиперплазия
- * 1 * 1, 2 * 1, 2, 3 * 1, 3, 4 * 1, 2, 3, 5

46. Қизамиқда лимфоид туқимадаги ўзгаришлар:

1. туқима қуртак марказларининг катталашуви
 2. плазматизация
 3. гигант, купузақли ҳужайраларнинг мавжудлиги
 4. дисплазия
 5. аплазия
- * 1 * 1, 2 * 1, 2, 3 * 1, 2, 3, 4 * 1, 2, 3, 5

47.ОИТС-инфекция юкиш йуллари:

- 1.жинсий
- 2.хаво-томчили
- 3.парентерал
- 4.фекал-орал
- 5.трансплацентар

* 1 * 1, 2 * 1, 2,3 * 1, 2,3,4 * 1, 3,5

48.ОИТС-инфекциянинг клиник вариантларини санаб утинг:

- 1.уткир вирусли лимфотроп инфекция
- 2.Абортив
- 3.лимфоаденопатия синдроми
- 4.пре-ОИТС
- 5.ОИТС

* 1 * 1, 2 * 1, 2,3 * 1, 2,3,4 * 1, 3,4,5

49.Оппортунистик инфекциянинг курунишларини санаб утинг:

- 1.пневмоцистли пневмония
- 2.кандидоз
- 3.цитомегаловирусли инфекция
- 4.токсоплазмали энцефалит
- 5.аскаридоз

* 1 * 1, 2 * 1, 2,3 * 1, 2,3,4 * 1, 2,3,5

50.ОИТС-инфекцияда МНСга хос узгаришларни курсатинг:

- 1.вакуоляр миелопатия
- 2.демиелинизация учоклари
- 3.периваскуляр хужайра инфилтратлари
- 4.сидерофаглар борлиги
- 5.Штернберг гигант хужайралари борлиги

* 1 * 1, 2 * 1, 2,3 * 1, 2,3,4 * 1, 2,3,5

Амалий машгулотда ечиш учун масалалар:

1.Грипп эпидемияси вақтида бемор жунжикиш, тана ҳароратини 40⁰Сга кутарилиши, бош отгриши, йутал, хансираш шикоятлари билан шифохонага келди. Упкасида ҳул хириллашлар эшитилди. Даво тадбирлари қилинишига қарамай касалликни 3 кунда упка-юррак етишмаслигидан улим юзага келди. Патологик узгаришларни тушинтиринг?

2.Богчага катнаётган болада тана ҳароратини 38,5⁰Сга кутарилиши, тумов, конъюнктивит, йутал пайдо булди. Терисида йирик холсимон тошма кузатилди, огиз бушлиги қурилганда лунжни шиллик катламида окиш

кепаксимон тошмалар аниқланди. Касалликни 4-кунида болада хансираш, упкасида хул хириллалашлар эшитилди. Бирданига нафас олиши кийинлашди. Асфиксиядан улим юз берди. Патологик узгаришни тушинтиринг?

3.Болада бирданига тана жароратини 39°C га кутарилиши, юкори нафас йулларида катарал узгаришлар, ютинганда ва корнида отрик хисси пайдо булиши кузатилди. Касалликни 5-кунида тананинг пастки кисмларида суст фалажланиш пайдо булиб, тез орада нафас олиш етишмаслиги кушилди. Улим нафас олиш етишмаслигидан юзага келди. Патологик узгаришларни тушинтиринг?

4.Бемор каттик жунжикиш, тана жароратини 40°C гача кутарилиши, бош отриги, холсизлаиш шикоятлари билан шифокорга мурожаат килди. Касалликни 6-кунида терисида майда тошмалар, эс-хушини йукотиши, коллапс булиши кузатилди. Патологик узгаришларни тушинтиринг?

5.Вирусли гепатит билан отриган бемор уткир жигар – буйрак етишмаслигидан вафот этди. Жигар ва буйракдаги узгаришларни тушинтиринг?

Тестлар ва вазиятли масалалар ечишда янги педагогик технологиянинг интерактив усулларида «мия штурми» услубида жавоблар олинади: бунда талабалар томонидан куплаб жавоб ва гојлар уртага ташланади, уkitувчи киска муддат ичида талабаларнинг амалий машгулотга тайёргарлиги хакидаги маълумотларни йиғади.

**1У. Ушбу мавзу юзасидан талабалар илмий жамияти бўйича вазифалар:
Куйидаги мавзуларнинг бирига маъруза тайёрланг.**

- 1.Вирус, уларнинг микробиологик харақтеристикаси.
- 2.Марказий нерв системасининг вирусли инфекциялари.
- 3.Хаво-томчи инфекцияларини чакирувчилари, уларни микробиологик харақтеристикаси.
- 4.Герпес, хламидиоз, вируслари чакирувчи инфекциялар.

5.ОИТС чакирувчи инфекциялар.

У.Мавзуни узлаштиришни текшириш учун саволлар:

1.Вирусли гепатитни турлари.

2.Кизамикни патогенези.

3.Гриппни патогенези.

4.Гриппни тугалланиши.

5.Кутиришни тугалланиши.

МАШГУЛОТ УЧУН ЖОРИЙ НАЗОРАТ

(билимни якуний даражасини текшириш ва коррекция қилиш)

Машгулот учун рейтинг бали:

1.Назарий билимига: _____ 2.Амалий қуникмасига: _____
Жами: _____ Уқитувчининг имзоси: _____

АДАБИЁТЛАР:

1. **М.С. Абдуллахужаева. Одам патологияси асослари.** Тошкент. Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашр. 1998. П-қисм. 346-357б.
2. **Патологическая анатомия (курс лекций). П/р. академика РАМН В.В.Серова, академика РАН и РАМН М.А.Пальцева.** М.Москва.1998.
3. **А.И.Струков и др. Патологическая анатомия.** М.: Мед. 1985. 440-451С.
4. **В.А.Алимов, З.З.Эгамбердиева. Патологик анатомиядан қулланма** Тошкент. Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашр. 1993. 95-100б.
5. **Патологик анатомия фани бўйича компьютер тест назорат дастурлари. 1-ТошДавТИ (патологик анатомия кафедраси).** 2002 йил.
6. **Я.Ярыгин Атлас патологической анатомии.** М.: Медицина. 1986. 329-339с.
7. **В.В.Серов и др. Руководство к практическим занятиям по патологической анатомии** М.: Мед., 1987. 193-201С.